

**ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИ МОДДИЙ
РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ
МАБЛАҒЛАРИ САРФЛАНИШИНГ БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Курбонов Шодликбек Маркович

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
ҳузуридаги Ўқув Маркази “Бухгалтерия ҳисоби
ва ахборот технологиялари” кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация. Давлат тиббиёт ташкилотлари ходимларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, юқори самарали меҳнатга интилиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ўз касбий даражасини ошириб боришдан манфаатдорлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Мазкур тезисда давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантиришнинг янги тартиби ҳамда унинг бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботини тузиш тартиби тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: давлат тиббиёт ташкилоти, моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси, харажатлар, бухгалтерия ҳисоби, ойлик фоизли устама, маҳсус устама, қўшимча устама, мукофот, моддий ёрдам, маҳсус комиссия, аниқланган ойлик фоизли устама, тузатиш коэффициенти.

Маълумки, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси барча давлат тиббиёт ташкилотларида ташкил этилган.

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари давлат тиббиёт ташкилотларини бюджетдан ташқари маблағлари таркибида асосий ўринни эгаллайди.

Давлат тиббиёт ташкилотлари тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси шаклланиши ва сарфланишини, икки мустақил йўналиш бўйича маблағларнинг алоҳида ҳисобини юритадилар:

- 1) тиббиёт ташкилоти ходимларини моддий рағбатлантиришга;
- 2) тиббиёт ташкилотининг моддий-техник базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлашга.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни тадқиқ қиласидиган бўлсак, жамғарма маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши, ҳисобини ташкил этиш, юритиш ҳамда ҳисоботларни тузишни ўз ичига олади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг сарфланиши Бюджет

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

кодекси 81-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ ҳолатда, “тиббиёт ташкилотларининг фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда қуидаги гурухларга ажратилган:

I гурӯҳ: Амбулатория-поликлиника ташкилотлари, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ташкилотлар;

II гурӯҳ: Умумий профилли стационар тиббиёт ташкилотлари ва бошқалар;

III гурӯҳ: Ихтисослаштирилган стационар ташкилотлар (касалхоналар, клиникалар, диспансерлар ва марказлар);

IV гурӯҳ: Шошилинч ва тез тиббий ёрдам марказлари, тез ёрдам станциялари, ОИТСга қарши кураш Республика ва минтақавий марказлари¹.

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлашда давлат тиббиёт ташкилотларининг юқорида келтирилган гурухларга тегишлилигидан келиб чиқсан ҳолда, икки мустақил моддий рағбатлантириш ва давлат тиббиёт ташкилотининг моддий-техник базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлашга харажатлар амалга оширилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини харажатлари йўналишлари ва тақсимланиши²

Харажатлар йўналиши	I гурӯҳ ташкилотлар	II гурӯҳ ташкилотлар	III гурӯҳ ташкилотлар	IV гурӯҳ ташкилотлар
Ходимларни моддий рағбатлантиришга	25% дан ортиқ бўлмаган миқдорда	35% дан ортиқ бўлмаган миқдорда	40% дан ортиқ бўлмаган миқдорда	50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда
Моддий-техник базани мустаҳкамлаш, модернизация қилиш ва таъмирлашга, шунингдек вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини ҳамда кредиторлик қарзларни	камида 75%	камида 65%	камида 60%	камида 50%

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори асосида муаллиф томонидан тузилган.

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

тўлашга				
---------	--	--	--	--

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 майдаги ПФ-136-сон “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Тиббиёт муассасалари моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисида”ги низомга (рўйхат рақами 3416, 2023 йил 16 январ) асосан Жамғарма маблағлари 2022 йил 1 июндан бошлаб, қуйидаги икки йўналиш бўйича сарфланади:

биринчиси, 75 фоизи барча давлат тиббиёт ташкилотлари тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларини моддий рағбатлантиришга (ишга вижданан муносабати ва қўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юқори сифати учун базавий тариф ставкасига (ойлик лавозим маоши) ойлик устамалар белгилаш, моддий ёрдам ва мукофотлар тўлаш шаклида, иш ҳақидан ажратмалар билан биргаликда);

иккинчиси, 25 фоизи давлат тиббиёт ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, модернизация қилиш ҳамда таъмирашга.

Агарда давлат тиббиёт ташкилотида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва муддати ўтган кредиторлик қарз мавжуд бўлган тақдирда, моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари биринчи навбатда ушбу қарзларни тўлаш учун сарфланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 2022 йил 1 июнгача бўлган даврда давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан давлат тиббиёт ташкилотида тиббиёт ва фармацевтика ходимларигагина тариф ставкаларига нисбатан ойлик устамалар ва рағбатлантиришлар берилган эди.

2022 йил 1 июндан бошлаб эса, янги тартиб бўйича давлат тиббиёт ташкилотида меҳнат фаолиятини олиб бораётган тиббиёт ва фармацевтика ходимларидан ташқари бошқа ходимларга ҳам давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби белгиланди. Янги тартибга асосан давлат тиббиёт ташкилоти ходимларини моддий рағбатлантиришнинг қуйидаги турлари қўлланилади:

биринчи, давлат тиббиёт ташкилотининг юқори малакали, алоҳида натижага эришган, ҳалол ва вижданан ишлаётган тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимларига **ойлик лавозим маошининг 100 фоизигача**

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

ҳамда бошқа ходимларга 75 фоизигача ойлик устамалар (кейинги ўринларда ойлик фоизли устамалар деб аталади);

иккинчи, янги иш бошлаган салоҳиятли ёш шифокорларга 1 миллион сўмгача махсус ойлик устамалар;

учинчи, оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузги стационар иш вақтини соат 20:00 гача узайтириш ҳисобига иккинчи сменада ишловчи шифокор ҳамда ҳамшираларга лавозим маошининг 30 фоизигача ойлик қўшимча устамалар;

тўртинчи, давлат тиббиёт ташкилотларини барча ходимларига касбий ва бошқа байрамлар муносабати билан бериладиган мукофот пуллари, шунингдек моддий ёрдам пуллари.

Ойлик фоизли устамалар давлат тиббиёт ташкилотида Жамғарманинг моддий рағбатлантириш учун очилган 4003...лик шахсий газна ҳисобварагларида мавжуд бўлган маблағлардан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва муддати ўтган кредиторлик қарз мавжуд бўлган тақдирда улар бўйича харажатлар ҳамда қуидаги тўловлар чегирилган қисми ҳисобидан амалга оширилади:

1) оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузги стационар иш вақтини соат 20:00 гача узайтириш ҳисобига иккинчи сменада ишловчи шифокор ҳамда ҳамшираларга лавозим маошининг 30 фоизигача ойлик қўшимча устамалар;

2) янги иш бошлаган салоҳиятли ёш шифокорларга 1 миллион сўмгача махсус ойлик устамалар;

3) Жамғарма маблағлари ҳисобидан, тиббиёт ташкилотларининг барча ходимларига касбий ва бошқа байрамлар муносабати билан бериладиган мукофот пуллари ва моддий ёрдам пуллари учун шахсий газна ҳисобварагида мавжуд бўлган маблағларнинг 10 фоиз қисми.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, давлат тиббиёт ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлимлари **ойлик фоизли устамалар учун режалаштирилган маблағ** ҳисобини назорат қилиб, мавжуд маблағ доирасида тўловларни амалга ошириши керак. Шунингдек, махсус комиссия ва давлат тиббиёт ташкилоти раҳбари мавжуд маблағлар доирасида ойлик фоизли устамалар белгилаши зарур.

Ойлик фоизли устамалар давлат тиббиёт ташкилоти ходимларини рейтинг баҳолаш тизими асосида амалга оширилади.

Махсус комиссия ҳар бир ходимнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ иш юклamasи, бажарадиган вазифасининг мураккаблиги, иш самарадорлиги, соҳага қўшган ҳиссаси ҳамда бошқа санаш ва ҳужжат билан тасдиқлаш мумкин бўлган 5 та муҳим кўрсаткичларни баҳолаш учун асос сифатида белгилайди ҳамда баҳолашда мазкур кўрсаткичларга асосланади.

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Бунда, ходимларнинг меҳнатга виҷданан муносабати, меҳнат фаолиятида кўрсатаётган юқори натижалари ҳамда касб этикасига риоя этиши инобатга олинади.

Махсус комиссия томонидан ҳар бир кўрсаткич 20 баллгача бўлган рейтинг тизимида баҳоланади. Ушбу кўрсаткичларнинг умумий йифиндиси энг юқори балларда баҳоланган тақдирда 100 баллни ташкил этиши зарур.

Умумий 100 баллик рейтинг тизими асосида 75 баллдан 100 баллгача натижага эришган давлат тиббиёт ташкилоти ходимлари ойлик маошига қуидаги 2-жадвалда белгиланган тартибда қўшимча ойлик фоизли устамалар белгиланади.

2-жадвал

Давлат тиббиёт ташкилоти ходимлари ойлик маошига қўшимча ойлик фоизли устамаларни белгилаш тартиби

T/p	Ходимлар тоифаси	Рейтинг балли	Қўшимча ойлик фоизли устамалар миқдори
1.	тиббиёт ходимларига	75 балдан 84 баллгача	ойлик маошининг 50 фоизгача
		85 балдан 94 баллгача	ойлик маошининг 75 фоизгача
		95 балдан 100 баллгача	ойлик маошининг 100 фоизгача
2.	тиббиёт ходимларидан ташқари бошқа ходимлар учун	75 балдан 84 баллгача	ойлик маошининг 25 фоизгача
		85 балдан 94 баллгача	ойлик маошининг 50 фоизгача
		95 балдан 100 баллгача	ойлик маошининг 75 фоизгача

Бунда, ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 5 санасига қадар ҳақиқатда амалга оширилган ишлар юзасидан бўлим (бўлинма) бошлиги ҳар бир ходимнинг кўрсаткичларини белгилаб, тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга Махсус комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Махсус комиссия ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 5 санасидан бошлаб 5 иш куни ичида ходимларга берилган якуний баҳони тасдиқлайди.

Баҳолаш натижалари ёки Махсус комиссиянинг қароридан норози бўлган ходимлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

Чорак якуни бўйича юқори натижага эришган ходимлар учун кейинги чорак давомида ҳар ойлик фоизли устамалар Махсус комиссиянинг тегишли қарори асосида қабул қилинган давлат тиббиёт ташкилоти раҳбарининг буйруғига мувофиқ белгиланади. Бунда, жорий йилнинг биринчи чораги учун ойлик фоизли устамалар ўтган йил тўртинчи чоракда эришилган натижалар бўйича тайинланади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тиббиёт

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

ташкilotinинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш Maxsus комиссиянинг қарори асосида амалга оширилади. Maxsus комиссиянинг қарори асосида давлат тиббиёт ташкilotи раҳбари маблағларни сарфлашнинг аниқ мақсадлари, йўналишларини ва унинг миқдорини кўрсатган ҳолда буйруқ чиқаради.

Давлат тиббиёт ташкilotи раҳбарлари ва Maxsus комиссия аъзолари давлат тиббиёт ташкilotларининг моддий рағbatлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига риоя қилиниши учун жавобгар ҳисобланади.

Давлат тиббиёт ташкilotларининг моддий рағbatлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қилинган харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш кетма-кетлигини кўриб чиқамиз. Бунда, “Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби” тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабр) ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сон БХС рўйхат рақами 3078, 2018 йил 20 октябрь) “Ягона счёtlар режаси”ни солишириш асосидаги жамғарма маблағлари сарфланишини бухгалтерия ҳисоби қуидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал.

Давлат тиббиёт ташкilotларининг моддий рағbatлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари сарфланишини бухгалтерия ҳисоби

Г/р	Бухгалтерия операцияларининг мазмуни	Амалдаги Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисобининг счёtlар режаси бўйича		Бюджет ҳисобининг стандарти (2-сон БХС) Ягона счёtlар режаси бўйича		Сумма (минг сўмда)
		Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	
1.	Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини ҳисобланиши	261	171	742 000	343 200	400.0
2.	Муддати ўтган кредитор қарздорликни ҳисобланиши	261	159	742 000	341 900	600.0
3.	Жамғарма маблағлари ҳисобидан ойлик фоизли устамалар, 30 фоизигача ойлик қўшимча устамалар, ёш шифокорлар учун	261	173	742 000	343 400	16 087.1

**BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI
TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

	махсус ойлик устамалар, мукофотлар ва моддий ёрдамларни хисобланиши					
4.	Хисобланган устамалар, мукофотлар суммасига нисбатан аниқланган ижтимоий солиқни (ставка 25%) хисобланиши	261	161	742 000	342 200	4 021.8
5.	Жамғарма маблағлари хисобидан олинган товар-моддий захираларнинг хисобдан чиқарилиши	261	06 счётнинг тегишли субсчёти	742 000	160 000 счётнинг тегишли субсчёти	3 000.0
6.	Жамғарма маблағлари хисобидан олинган асосий воситаларга амортизация хисобланиши	261	02 счётнинг тегишли субсчёти	742 000	231 000 счётнинг тегишли субсчёти	4 000.0

Давлат тиббиёт ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг янги тартиби ва унинг бухгалтерия хисоби методологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган изланишлар натижасида қуидаги хуоса ва таклифлар шакллантирилди.

Биринчи, давлат тиббиёт ташкилотининг юқори малакали, алоҳида натижага эришган, ҳалол ва вижданан ишлаётган тиббиёт, фармацевтика ҳамда бошқа ходимларига ойлик фоизли устамалар, янги иш бошлаган салоҳиятли ёш шифокорларга махсус ойлик устамалар, оиласвий шифокор пунктлари, оиласвий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузги стационар иш вақтини соат 20:00 гача узайтириш хисобига иккинчи сменада ишловчи шифокор ҳамда ҳамшираларга лавозим маошининг 30 фоизигача ойлик қўшимча устамалар ва давлат тиббиёт ташкилотларини барча ходимларига касбий ва бошқа байрамлар муносабати билан бериладиган мукофот пуллари, шунингдек моддий ёрдам пулларини тўлашда давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасидаги мавжуд маблағлар доирасида харажатларни амал ошириш кетма-кетлигига амал қилган ҳолда бухгалтерия хисобини юритиш зарур.

Иккинчи, давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан устамалар, байрамларда мукофот пуллари ва моддий ёрдам пулларини

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

тўлаш бўйича Махсус комиссия қарор қабул қилишида ҳамда давлат тиббиёт ташкилоти раҳбарининг буйруғида ҳар бир ходим бўйича тўланиши лозим бўлган маблағларнинг аниқ миқдорлари ҳамда уларни тўлаш муддатлари кўрсатилишида жамғармадаги 4003...лик шахсий ғазна ҳисобварағида мавжуд маблағларни етарлилиги ёки етишмаслиги юзасидан молия-бухгалтерия хизмати билан келишиш зарур. Чунки, Жамғарма маблағларини тасарруф этиш бўйича махсус комиссиянинг таркибида амалдаги низомга асосан (2006 йил 14 январь, рўйхат рақами 1536) давлат тиббиёт ташкилотининг молия-бухгалтерия хизматидан бирорта вакил киритилмаган.

Учинчи, давлат тиббиёт ташкилоти раҳбарлари ва Махсус комиссия аъзолари давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига риоя қилиниши учун жавобгар эканликларини ҳисобга олган ҳолда назоратни олиб боришлари ҳамда мавжуд маблағлардан келиб чиқиб қарор қабул қилишлари керак бўлади.

Мазкур хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилиши давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ходимларни рағбатлантириш жараёнида хато ва нотўғри тўловларни олдини олиб, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи ахборотларининг ишончлилигини таъминлашга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси” 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 майдаги ПФ-136-сон “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириши кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276-сон Қарори.
4. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома” (рўйхат рақами 2169, 22.12.2010й.)
5. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти “Ягона счёtlар режаси” (2-сон БҲС рўйхат рақами 3078, 2018 йил 20 октябрь).
6. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти “Бюджет ҳисботи”га (рўйхат рақами 3124, 2019 йил 19 январь).
7. “Тиббиёт муассасалари моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами 3416, 2023 йил 16 январ).
8. “Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини тасарруф этиш учун тиббиёт ташкилотлари хузуридаги махсус комиссиялар тўғрисида”ги низом (2006 йил 14 январь, рўйхат рақами 1536).
9. Қурбонов Ш.М. “Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ички аудитни такомиллаштириш” и.ф.ф.д. дисс. автореферати. 58 б.- Т., 2022.

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

10. Mamatqulov A.X. (2024). Qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish hisobi va tahlilini takomillashtirish. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali, 26(3), 132–140. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3256>.
11. Mamatqulov A.X.(2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlari bo'yicha tannarxni hisoblash usullarini takomillashtirish https://gospodarkainnowacje.pl/index.php?issue_view_32&articleview=1910
12. Mamatqulov A.X. (2022). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish faoliyati bo'yicha xom ashyo va materiallar hisobini takomillashtirish. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 6, December 2022
13. Рахимов, М. Ю., & Рузмаматов, А. К. (2024). Янги лойиҳалар бошқарувидаги иқтисодий дастакларни тақомиллаштириш. *World scientific research journal*, 23(2), 362-375.
14. Raximov, M. Y. (2015). Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. О 'quv qo'llanma. T.: "Iqtisod-moliya".
15. Klichev, B. (2024, февраль 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. Ilm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag'allikni qisqartirish, Farg'ona, O'zbekiston. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976>
16. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисбботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023..
17. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
18. Сагдиллаева, З. А., & Файзиев, У. Ш. (2023). АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 201-207).
19. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
20. Рахимов, М. Ю., Мавланов, Н. Н., & Каландарова, Н. Н. (2022). Экономический анализ. Учебник. Т.: «Экономика-Финансы».
21. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>
22. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини тақомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.
23. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартларини жорий этиш. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>
24. Сагдиллаева, З., Чориев, И., Максмудов, А., & Юлдашева, Ю. (2007). Экономический анализ.
25. У.А. Нурманов. (2024). ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРИШ ФУНКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 140–147. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3257>

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

26. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар қўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
27. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79
28. Mamatqulov A.X. (2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida xarajatlarini boshqarish va hisobga olish usullari. *Moliya ilmiy jurnali*, 3-сон.

